

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ДЖАББАРОВ ЖАМШИД ИСМОИЛОВИЧ

**ҚОРИН БЎШЛИҒИДА ЎТКАЗИЛГАН ШОШИЛИНЧ ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИДАН КЕЙИН ИНТРААБДОМИНАЛ
ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.40–Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джаббаров Жамшид Исмоилович

Қорин бўшлиғида ўтказилган шошилич жарроҳлик амалиётидан кейин
интраабдоминал гипертензиянинг аҳамияти..... 3

Джаббаров Жамшид Исмоилович

Роль интраабдоминальной гипертензии у больных после экстренных
оперативных вмешательств на органах брюшной полости..... 27

Djabbarov Jamshid Ismoilovich

The role of intraabdominal hypertension in patients after emergency operative
interventions on the abdominal cavity organs..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ДЖАББАРОВ ЖАМШИД ИСМОИЛОВИЧ

**ҚОРИН БЎШЛИҒИДА ЎТКАЗИЛГАН ШОШИЛИНЧ ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИДАН КЕЙИН ИНТРААБДОМИНАЛ
ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.40 – Шошилинч тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Tib733 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек ва рус), ҳамда инглиз тилида резюмеси илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алтиев Базарбай Курбанович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хакимов Мурад Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ризаев Камал Саидқабарович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат Тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» ноябрь кuni соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 2-уй. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05; e-mail: uzmedicine@mail.ru, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг мажлислар зали.


Докторлик (PhD) диссертацияси билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№3- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 2-уй. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2020 йил «12» ноябрь кuni тарқатилди.
(2020 йил «12» ноябрь даги 04 рақамли реестр баённомаси).




А.М. Хаджибаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.А.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори


В.Х. Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда жарроҳлик соҳасида мавжуд ютуқлар, яъни «...ташкилий чора-тадбирларни такомиллаштирилиши, тиббий амалиётга янги технологияларни жорий этилиши қарамасдан, ўлим кўрсаткичининг ўткир ичак тутилишида 20%, ўткир деструктив холециститда-35%, меъда ости беши некрозиди-15-47%, тарқалган перитонитда-40% гача бўлиши қорин бўшлиғининг шошилинич касалликлари билан хасталанган беморларни даволаш натижалари қониқарли эмаслигини кўрсатади...»¹. Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликлари кўпинча 95-97% ҳолларда ўлимнинг асосий сабаби бўлувчи оғир кўп сонли аъзолар етишмовчилиги асоратларнинг ривожланиши билан бирга учрайди. «...ушбу тоифадаги беморларда кўп аъзолар етишмовчилиги синдроми ривожланишининг сабабларидан бири қорин бўшлиғи гипертензияси (ҚБГ).

Қорин бўшлиғи гипертензияси синдроми (ҚБГС) - бу қорин бўшлиғидаги босимнинг ошиши туфайли ривожланиб, кўп аъзолар етишмовчилигининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган симптомлар мажмуасидан...»² иборатдир. Сўнгги йилларда қорин бўшлиғи гипертензияси билан хасталанган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида дунёда бир қатор йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. «...ҳозирги вақтда қорин бўшлиғидаги гипертензияни эрта ташхислаш ва даволашда минимал инвазив технологияларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда, бу ўз навбатида беморларни даволаш натижаларини яхшилашга олиб келади...»³.

Юқорида таъкидланганларга мувофиқ, мавжуд ташхислаш услубини такомиллаштириш ва даволашнинг янги усулларини жорий этиш орқали қорин бўшлиғи гипертензияси билан хасталанган беморларнинг даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва даволаш тартибинини ишлаб чиқиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда қорин бўшлиғида ўтказилган шошилинич жарроҳлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада қорин бўшлиғининг шошилинич жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда ҚБГСнинг ривожланиш даражаси ва унинг ҳаётий муҳим органлар ва тизимлар фаолиятига ижобий ва салбий таъсирини асослашдан иборат. Қорин бўшлиғининг шошилинич хирургик касаллиги

¹Бисюк Ю.В. /О врачебных ошибках в экстренной абдоминальной хирургии. // «Военно-медицинский журнал». 2007, № 10, С. 55.

²Жебровский В.В. /Осложнения в хирургии живота. / «Медицинское информационное агентство», 2006, стр.448.

³ Назыров Ф.Г., Девятов А.В., Ходжиев Д.Ш. и др. /Стандартизация комплексной динамической диагностики и тактики лечения послеоперационного перитонита.// «Вестник экспериментальной и клинической хирургии», 2011, №-4, стр. 9

бўлган беморларда операциядан кейинги эрта даврда дастурий санацияловчи лапароскопия, дастурий реллапаротомия натижасида ҚБГСнинг олдини олиш усуллари нинг самарадорлигини баҳолаш ҳамда қорин бўшлиғи аъзоларининг шошилинич касаллиги бўлган беморларда касалликнинг хусусиятига ва қорин бўшлиғи босими даражасига қараб қорин бўшлиғи босимини баҳолаш муддатларини ишлаб чиқишдан иборат. Қорин бўшлиғи аъзоларида шошилинич жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг қорин ичи гипертензияси бўлган беморларнинг ташхис ва даво алгоритминини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолининг турли қатламлари орасида турли касалликлар натижасида амалга ошириладиган шошилинич тиббий ёрдамни таъминлашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари нини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган.

Ушбу вазифалар аҳолини қорин бўшлиғида ўтказилган шошилинич жарроҳлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамиятини асослаш натижасида жарроҳлик амалиётини камайтириш, аҳоли орасида профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида шошилинич жарроҳлик амалиёти асоратлари натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичинини камайтириш имконинини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизиминини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ - 5590-сон Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизиминини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда кўп сонли муаллифлар берган маълумотларга кўра, кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилишига қарамасдан, абдоминал хирургияда қорин бўшлиғи гипертензияси ташхиси ва даволаш муаммолари ҳозирги кунгача ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда (Костырной А.В., Поленок П.В., 2012). Шу билан бирга, қорин бўшлиғи гипертензияси ташхиси ва даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг кўпчилиги анъанавий клиник, лаборатор ва инструментал текширувларга бағишланган бўлиб, улар ҳар доим ҳам патологик ҳолат оғирлик даражасини ва асорат ривожланиш эҳтимоллигини аниқ кўрсата олмайди (Geis W.P., Kim H.C., 2009).⁵ Охирги йилларда чоп этилган адабиётларда қорин бўшлиғи асоратларини аниқлашда замонавий видеолапароскопик амалиётлар қўлланилаётгани ҳақида илмий ишлар мавжуд (Geis W.P., Kim H.C., 2009). Шу билан бирга, ушбу услубнинг самарадорлиги ва ташхисий қиймати турли илмий тадқиқотларда бир-биридан фарқ қилади. Баъзи муаллифлар операциядан кейинги асоратларни ташхислашда видеолапароскопияга кўрсатмалар ишлаб чиқилмаганини (Swank H.A., Mulder I.M., Hoofwijk A.G. et al., 2013), бошқалари операциядан кейинги асоратларни лапароскопия усули билан ташхислаш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди (Ghorban-Poor M., Farimani M., Torabian S. et al., 2010). Diskapi Teaching and Research Hospital (Туркия) клиникасининг тадқиқотларида қорин бўшлиғи гипертензиясининг кеч ташхисланишига асосий эътиборларини қаратишди. ҚБГС нинг кеч ташхисланиши 30-72% ҳолларда клиник белгиларнинг ёрқин ривожланмаганлиги, инструментал текширув натижаларининг шифокорлар томонидан хато ёки нотўғри талқин қилингани аниқланди. Шу билан бирга, 20% ҳолларда ҚБГС топилмагани, 4.5% ҳолларда эса релапаротомия беҳуда бажарилгани ҳам аниқлаган (Вишневская А.Н., Стегний К.В., Раповка В.Г. , 2011).

Ўзбекистонда ошқозон ичак тизими хирургиясининг амалиётида ўтқир ичак тугилиши билан хасталанган беморларда жарроҳлик амалиётини (Алижонов Ф.Б., 2010; Хаджибоев А.М., 2015; Каримов Ш.И. 2016; Акилов Х.А. 2017; Боймаков С.Р., 2019), қорин бўшлиғида ўтказилган шошилич жарроҳлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамиятини асослашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган.

Адабиётлар бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, қорин бўшлиғи гипертензияли беморлар хирургик давоси натижалари сезиларли даражада яхшиланган, шу билан бирга, содда, самарали ва айни пайтда техник жиҳатдан амалга оширилиши ишончли бўлган қорин бўшлиғи гипертензиясининг эрта ташхиси ва хирургик тактикасини белгиловчи

⁵Акилов Х.А., Асабаев А.Ш., Сайдазимов Е.М. Роль лапароскопии при послеоперационных осложнениях, требующих повторных вмешательств // Хирургия Узбекистана. - 2003. - №3. - С. 9-11.

усулларини ишлаб чиқиш асосий долзарб ва муҳим муаммо бўлиб турибди⁵. Юқорида таъкидланганларнинг барчаси ушбу тадқиқотни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТСС 4.1 «Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзолари травмалари ва ўткир касалликларида хирургик тактикани такомиллаштириш ва даволаш натижаларини яхшилаш усулларини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй.) амалий грантлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорин ичи гипертензияли беморларда даво алгоритмини такомиллаштириш йўли билан қорин бўшлиғи аъзолари шошилинич жарроҳлик касалликларининг натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин бўшлиғининг шошилинич жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда ҚБГСнинг ривожланиш частотаси ва унинг ҳаётий муҳим органлар, тизимларнинг ишига таъсирини баҳолаш;

қорин бўшлиғининг шошилинич хирургик касаллиги бўлган беморларда операциядан кейинги эрта даврда ҚБГнинг дастурий санацияловчи лапароскопия, дастурий релапаротомия орқали олдини олиш усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

қорин бўшлиғи аъзоларининг шошилинич касаллиги бўлган беморларда касалликнинг хусусиятига ва қорин бўшлиғи босими даражасига қараб қорин бўшлиғи босимини баҳолаш муддатларини ишлаб чиқиш;

қорин бўшлиғи аъзоларида шошилинич жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг қорин ичи гипертензияси бўлган беморларнинг ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009-2017 йилларда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликлари билан турли хил жарроҳлик операциялари ўтказилган ва операциядан кейинги даврда қорин бўшлиғи гипертензияси ривожланган 215 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қорин ичи гипертензияси ва АПБ ривожланган қорин ичи эрта асоратли беморлардаги ташхислаш ва хирургик давонинг самарадорлигининг таҳлили материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал ультратовуш, рентгенологик, лапароскопик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорин бўшлиғининг шошилинич жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда қорин бўшлиғи гипертензияси синдромининг ривожланиш даражаси ва унинг ҳаётий муҳим орган ва тизимларнинг фаолиятига таъсири

асосланган;

қорин бўшлиғи аъзоларида шошилич операциялардан сўнг қорин бўшлиғи гипертензияни пасайтиришнинг самарали жарроҳлик усуллари шу жумладан, дастурий санацияловчи лапароскопия, дастурий релапаротомия ишлаб чиқилган;

беморларнинг умумий ҳолатини АРАСНЕ II шкаласида ёрдамида аниқланган балларнинг беморлар қорин бўшлиғи босими ва қорин бўшлиғида яллиғланиш жараёнининг тарқалганликлари орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

қорин бўшлиғи гипертензияси бўлган беморларни шошилич операциялардан кейин ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

операциядан кейинги қорин ичи асоратларида қўлланиладиган ташхислаш ва даволаш алгоритми ҚБГ даражасини инобатга олган ҳолда қайта операцияларга кўрсатма қўйишда, керакли ҳажмдаги кам инвазив усулларни ишлатишга ёрдам берган;

оғир қорин ичи хирургик касаллиги бўлган беморларда жорий этилган қорин бўшлиғи босимининг мажбурий мониторинги босқичли жарроҳлик даволаш самарадорлигини, кўп аъзолар етишмовчилиги ва исталмаган асоратлар хавфини ўз вақтида аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал ва статистик текширув усуллари морфометрик, инструментал ва статистик усуллар асосида қорин бўшлиғида ўтказилган шошилич жарроҳлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамияти ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва таклифларнинг назарий аҳамиятга эга эканлиги билан аниқланди, бу эса операциядан кейинги эрта қорин ичи асоратларини ташхиси ва давоси хусусиятларини ўрганиш, касалликни ташхислаш ва даволашнинг янги муқобил усулларини шакллантириш, жиддий асоратларнинг ўзига хос жиҳатларини баҳолаш учун асос бўлади. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари магистр, клиник ординатор ва курсантларнинг шошилич жарроҳлик операциялардан кейинги патологияли беморларнинг ташхиси ва давоси бўйича ўқув дастурининг таркиби ва тузилмасини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қайта жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган операциялардан кейинги асоратларнинг ташхиси ва давосида ишлатилиши мумкин. Операциядан кейинги эрта қорин ичи касалликларини

аниқлаш ва мувофиқлаштиришда эндовизуал усулни кенг жорий этилиши билан фарқланувчи янги ташхисий-даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш йўли билан қорин ичи асоратларининг ташхиси ва даволаш жараёнлари оидинлаштириш тартиби яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорин бўшлиғида ўтказилган шошилич жарроҳлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамияти яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Шошилич абдоминал жарроҳликда қорин бўшлиғи ичи гипертензив синдромида ташхислаш-даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 сентябрдаги 8н/д-189-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома шошилич абдоминал жарроҳликдан кейинги қорин бўшлиғи ичи эрта асоратларини олдини олишга қартилган ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш имконини берган;

қорин бўшлиғида ўтказилган шошилич жарроҳлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамиятини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилич илмий амалий тиббиёт марказининг Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг филиларининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 январдаги 8 н/з-12-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши операциядан кейинги эрта қорин ичи асоратларининг ташхиси сифатини яхшилаш, операциядан кейинги асоратларни 43,1% дан 24,2% гача ва ўлим кўрсаткичини 22,4% дан 9,7% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан

ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорин бўшлиғи гипертензияси синдромини ташхислаш ва даволаш масалалари**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда қорин бўшлиғи гипертензияси муаммосининг замонавий ҳолати ҳақидаги адабиётлар таҳлили келтирилган. Клиник амалиётда қорин бўшлиғи босими жуда камдан-кам ҳолларда баҳоланади ва шунинг учун мақсадли ўрганиш, даволаш учун ҳеч қандай муҳим изланишлар қилинмаган. Адабиётлар таҳлили бизга ҚБГ қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказилган шошилиш операциялардан кейин исталмаган натижалар патогенезида муҳим бўлган сифатида баҳоланишини аниқлашга имкон берди. Шу билан бирга, қорин бўшлиғи босимини оширувчи омилларни нотўғри баҳолаш, қорин бўшлиғи босими юқори бўлган беморларда юзага келадиган ички органлар ва тизимлардаги тегишли ўзгаришлар тўғрисидаги адабиётларда маълумотларнинг етишмаслиги, шунингдек уни даволаш ва олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланган текширув усуллари**» деб номланган иккинчи бобида материал ва услубларнинг клиник тавсифи келтирилган. Илмий иш 2009-2017 йилларда РШТЎИМ жарроҳлик бўлимларида даволанган, қорин бўшлиғи аъзоларида анъанавий ва эндовидео операцияларидан кейин ҚБГ ривожланган 215 беморнинг ташхислаш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган.

ҚБГга олиб келадиган турли хил касалликларни ҳисобга олган ҳолда, барча беморлар IV кичик гуруҳларга бўлинган, уларнинг маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Беморларни нозологиялар орқали тақсимлаш (n=215)

Кичик гуруҳ	Назорат гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	N	%	n	%
I	22	21,0	23	20,9
II	9	8,6	15	13,6
III	18	17,1	12	10,9
IV	56	53,3	60	54,5
Жами	105	100	110	100

I кичик гуруҳга сиқилган чурра бўйича операция қилинган беморлар, II

кичик гуруҳга эса ўткир ичак тутилиши билан оғриган ва операция қилинган беморлар олинган. III кичик гуруҳга деструктив формали панкреатитли беморлар ва IV кичик гуруҳга турли сабабларга кўра ривожланган перитонитли беморлар бирлаштирилган. (1-жадвалга қаранг).

Тиббий диагностика муолажаларининг тактикаси ва усулига қараб, операциядан кейинги қорин ичи эрта асоратлари бўлган барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: назорат ва асосий. Назорат гуруҳи беморларида анъанавий ташхислаш ва даво усуллари қўлланилган бўлиб, бу гуруҳга 105 (48,8%) бемор киритилган. Асосий гуруҳга кирган 110 (51,2%) беморда ташхислаш ва даволаш жараёни қорин бўшлиғидаги босимни камайтиришнинг комплекс усуллари, шунингдек, асоратларнинг оғирлигини клиник баҳолаш усуллари билан тўлдирилди. Интенсив даво комплексига қуйидагилар киритилди: назоинтестинал интубация ва унинг ёрдамида лаваж ва гастроэнтеросорбция бажариш, ошқозон-ичак тизимининг мотор-эвакуация фаолиятини эрта даврда стимуллаш, эпидурал аналгезия, шунингдек антигипоксантилардан (актовегин, милдронат) фойдаланиш, реллапаротомия ва дастурлаштирилган санацион фибролапароскопия ўтказиш. Тадқиқотнинг гуруҳлари ёши, жинси, асосий патологияси, бирламчи бажарилган жарроҳлик амалиёти, ёндош касалликлари, ташхислаш ва даволаш усуллари бўйича репрезентатив бўлган.

Эркаклар сони 140 (65,1%), аёллар сони эса 75 (34,9%) нафарни ташкил этган, беморларнинг ўртача ёши $54,03 \pm 4,26$ ёшни ташкил этган. ҚБГ бўлган беморларда ташхислаш ва даволаш услубини танлашда беморларнинг ҳолатини холисона баҳолаш ва мумкин бўлган асоратнинг прогнози муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, биз шошилишч тиббий ёрдамга мослаштирилган ва клиникага келган вақтида ёки интенсив терапия бўлимида ётган операциядан кейин беморларда аниқланган мавжуд клиник, лаборатория ва инструментал параметрларни ўз ичига олган АРАСНЕ II шкаласини қўлладик. Текширилаётган беморларнинг умумий аҳволининг оғирлигига турли хил йўлдош касалликлар мавжудлиги таъсир қилади. Тадқиқот усуллари сифатида умумий клиник, биокимёвий, эхоскопик, радиологик (мултиспирал компьютер томографияси), эндовизуал (видеолапароскопия), шунингдек медико-биологик статистика усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг **«Қорин бўшлиғи аъзоларида шошилишч операциядан кейин қорин бўшлиғи гипертензиясининг ташхиси натижалари»** деб номланган учинчи бобда қорин бўшлиғи ички босими ортиши ташхисининг хусусиятларини таҳлил қилиш ва мавжуд диагностика усулларини оптималлаштириш натижалари келтирилган. ҚБГ билан оғриган беморларнинг клиник кўриниши турлича кўринишда намоён бўлиб, эпигастрал соҳадаги оғирлик ҳисси, қориннинг юқори қисмларида турли хил интенсивликдаги оғриқлар, кекириш, кўнгил айниши ва қайт қилиш билан ифодаланади. Бундан ташқари, оғриқнинг қайд қилиниши қорин бўшлиғидаги яллиғланиш жараёнининг яққоллигига боғлиқ эди. Булардан

ташқари, ушбу беморларда тахикардия, қорин дам бўлиши ва перисталтикасининг йўқлиги ҳам қайд этилди. Перитонит ташхиси қўйилган барча беморларда перитонеал белгилар аниқланди. Касалликнинг симптомлари, айниқса, перитонит ва ўткир панкреатит билан оғриган беморларда клиник кечишда фарқлар кузатилди. Лаборатория кўрсаткичларидан оққон таначалари сонининг ортиши – лейкоцитоз ва лейкоцитар формуланинг чапга силжиши кузатилди. Беморларда гипербилирубинемия, гиперферментемия ва гипопропротеинемия билан характерланган жигар етишмовчилиги белгилари кучайди. Сийдикчил (мочевина) ва креатинин миқдорининг қонда ортиши эса буйрак етишмовчилиги белгилари аста-секин ўсиб боришини кўрсатди. Шундай қилиб, беморларнинг деярли ярмида (48,5%) аминотрансферазалар, билирубин, креатинин ва сийдикчил миқдорининг ортиши кузатилди. Гипопропротеинемия эса ҚБГ билан оғриган беморларда жигар етишмовчилиги белгиси сифатида беморларнинг барча гуруҳларига хос бўлган (93,7%).

ҚБГ ривожланиб борган сари беморларда қон таркибий микроэлементларининг бузилишлари кузатилди. Шунингдек, ривожланаётган гипокалиемия ичак ҳаракатининг пасайиши, ичак парезининг кучайиши ва натижада ҚБГ нинг ошиши билан намоён булди. Гипокалиемиянинг намоён бўлиши ЭКГда S-T сегментини амплитуда хусусиятлари ўзгариши ва тахикардия билан характерланди, буларнинг ҳаммаси, умуман олганда миокард фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Энг аввало, перитонитнинг оғир даражаларида ва ўткир ичак тутилиши бўлган беморларда сув-туз алмашинувида ҳам чуқур ўзгаришлар кузатилди. Ичакларда сўрилиш жараёнининг бузилиши ҳисобига бикарбонатларнинг йўқотилиши кузатилди, бу эса метаболик ацидознинг ривожланишига ва тўқималар гипоксияси билан микроциркуляциянинг бузилишига олиб келди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Веноз қоннинг кислота-ишқор ҳолати

Кичик гуруҳлар	Қоннинг кислота-ишқор кўрсаткичлари					
	pH	PaCO ²	PaO ²	HCO ₃	BE	O ² sat
Норма	7,33-7,43	46-58	37-42	24-28	(-2,3)- (+2,3)	70-75
I кичик Гуруҳ	7,38±0,02	39,5±1,8	36,7±1,8	24,1±1,3	(-1,2) ±1,0	69,2±1,0
II кичик Гуруҳ	7,34±0,02	40,0±1,4	35,1±2,1	20,4±1,0	(-5,9) ±0,9	70,1±1,3
III кичик Гуруҳ	7,33±0,04	38,8±3,1	34,5±1,8	19,4±0,8	(-5,4) ±1,4	71,4±1,4
IV кичик Гуруҳ	7,32±0,02	37,8±2,2	35,2±1,6	20,5±0,7	(-5,3) ±1,1	69,4±1,1

Беморлар аҳволининг оғирлигини баҳолаш учун биз тизимли яллиғланиш реакцияси ва сепсиснинг клиник ва лаборатор семиотикаси билан солиштирадиган АРАСНЕ II интеграцияланган шкаласини қўлладик. Қорин бўшлиғининг ўткир патологиялари бўлган беморларда АРАСНЕ II тизимида 6 баллдан юқори деб баҳоланса, бемор аҳволи оғир деб баҳоланди. АРАСНЕ II тизимида баллар 12 дан юқори бўлса, беморда кўп аъзолар етишмовчилиги ва 15 балдан юқори бўлганда «ўлим» ҳолатлари кузатилди (3-жадвалга қаранг). Бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатдики, асосий касалликнинг ва инфекциянинг тарқалишига қараб, беморнинг умумий аҳволи ҳам табиий равишда ўзгаради. Бироқ, P.G. Lankisch et al. (2000) тадқиқот натижалари бўйича аниқланган кўп аъзо функцияларининг етишмовчилиги ривожланиш частотаси ва морфологик ўзгаришлар ўртасидаги аниқ мувофиқликни аниқламади. Биз ушбу маълумотларнинг номувофиқлигини ўткир қорин синдромида тизимли яллиғланиш реакцияси ва кўп аъзолар етишмовчилиги билан боғлаймиз. Шу билан бирга, беморнинг аҳволини объектив ва индивидуал баҳолашдаги маълум қийинчиликларни инобатга олган ҳолда, биз касалликнинг ҳар хил клиник ва морфологик шакллари бўйича АРАСНЕ II шкаласи бўйича беморларнинг аҳволи оғирлигига нисбатан тизимли яллиғланиш реакциясининг асосий клиник ва лаборатор мезонларини ўрганиб чиқдик.


3-жадвал

Беморлар аҳволини АРАСНЕ II шкаласида баҳолаш натижалари

	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи	Ишончлилик даражаси
I кичик гуруҳ	3,7±0,16	3,5±0,22	t=0.74, p=0.46
II кичик гуруҳ	7,2±0,43	7,4±0,51	t=0.3, p=0.77
III кичик гуруҳ	9,4±0,33	8,9±0,38	t=0.98, p=0.34
IV кичик гуруҳ	11,2±1,12	11,5±0,82	t=0.21, p=0.83

Шунингдек, лейкоцитлар реакциясини ўрганишга қаратилган лаборатория синовлари (лейкоцитлар сони, интоксикациянинг лейкоцитар индекси - ИЛИ) диагностиканинг энг оддий ва энг арзон усулидир, аммо улар паст ўзига хослик билан ажралиб туради.

Жарроҳлик амалиётларидан кейинги биринчи кун АРАСНЕ II шкаласи бўйича беморларнинг аҳволи 70 та беморда энгил, 76 та ўрта ва 69 та беморларда оғир деб баҳоланди (1-расмга қаранг).




1-расм. Таққосланаётган гуруҳларни ҳисобга олган ҳолда беморларда оғирлик даражасининг тақсимланиши.

1-расмдан кўришиб турибдики, таққосланган гуруҳлардаги беморларнинг оғирлиги деярли бир хил, яъни гуруҳлардаги беморларнинг оғирлик даражалари бўйича таққослаш мумкин ($\chi^2 = 0.067$, $df = 2$, $p = 0.97$).

Жарроҳлик амалиётидан кейинги биринчи кунда барча беморларда қорин бўшлиғи босими ўлчанди. Ўлчов гидравлик манометр - Вальдман аппарати ёрдамида амалга оширилди.

Шундай қилиб, ҚБГ бўлган беморларнинг 56,7% да қорин бўшлиғи босими 10-15 мм симоб устуни оралиғида; 35% да 16-20 мм симоб устуни; 5,8% да - 21-25 мм симоб устуни ва ҚБГ 3 (2,5%) беморда 25 мм симоб устунидан юқори бўлган (қорин ички босими ортишининг IV даражаси) (2-расмга қаранг).



2-расм. ҚБГ ортишига кўра беморлар тақсимоти

Бундан ташқари, беморларнинг умумий аҳволининг оғирлиги тўғридан-тўғри ҚБГ даражасига боғлиқ бўлиб, ҚБГ даражаси ортган сайин АРАСНЕ II шкаласи бўйича ҳам оғирлашиб борди.

Шундай қилиб, операциядан кейинги биринчи суткада беморларда ҚБГ нинг бошланғич ҳолати ўртача $12,3 \pm 1,92$ мм симоб устунини ташкил этди ва касалликнинг турига ва дастлабки оғирлик даражасига ҳам боғлиқ бўлди. ҚБГ айниқса ўткир ичак тутилиши, турли хил этиологияли перитонитлар, панкреатитнинг оғир шакллари ва асоратланган чурралар бўлган беморларда юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Ўпка тириклик сифими (ЎТС) маълумотларини таҳлил қилганда, барча кичик гуруҳларда жарроҳлик амалиётдан кейинги биринчи кунларидан ЎТС кўрсаткичлари пасайганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, биринчи кичик гуруҳда ушбу кўрсаткич $2,08 \pm 0,12$ литрни ташкил этди. Текширилаётган гуруҳлар орасидаги ЎТС қийматларидаги фарқ кам сезилди: мос равишда $2,04 \pm 0,19$ л ва $2,12 \pm 0,15$ л ($t=1.3$, $p > 0,05$).


Қолган кичик гуруҳларда ЎТС кўрсаткичлари анча паст бўлиб, мос равишда $1,61 \pm 0,10$; $1,17 \pm 0,60$ ва $0,93 \pm 0,04$ литрни ташкил этди.

Ўрганилган гуруҳлардаги беморларда экспиратор оқимнинг юқори даражаси (ЭОЮД) ҳам ўзгарган. Биринчи кичик гуруҳ беморларида операциядан кейинги дастлабки даврда ЭОЮД паст даражада сақланиб, 312 ± 16 литр/секундни ташкил қилди. Бундан ташқари, ўрганилган гуруҳлардаги ЭОЮД қийматларидаги фарқ унчалик катта эмас эди: мос равишда 322 ± 23 ва 302 ± 24 л/с ($t=1.29$, $p=0.74$).

Юқорида айтилганларни сарҳисоб қилганда шуни таъкидлаш мумкинки, операциядан кейинги дастлабки даврда (операциядан кейинги 1-кун) барча кичик гуруҳларда ЎТС ва ЭОЮД сезиларли даражада камайди, бунинг сабаби ҚБГнинг ортиши ва диафрагманинг кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида ўпкаларнинг ташқи томондан сиқилиб, нафас ҳаракатларининг ёмонлашувига олиб келди.

ҚБГ синдромини ташхислаш ва даволашда патогенетик ёндашув мақсадида барча беморларда қорин бўшлиғи ичи босимининг ўзгариши характерини ҳисобга олган ҳолда абдоминал перфузия босими (АПБ) ўлчанди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҚБГ нинг ортиши билан АПБ камаяди. Шундай қилиб, корреляцион таҳлилга кўра, қорин бўшлиғи ва перфузия босимининг мутаносиб ўзгариши кучли деб баҳоланди ($r=0.91$, $p<0.05$), яъни операциядан кейинги даврнинг биринчи суткасида беморларда ҚБГ нинг ортиши ва қорин бўшлиғидаги перфузия босимининг пасайиши ўртасида статистик жиҳатдан муҳим боғлиқликни кўрсатди ($r=0,83$, $p<0,05$) (3-расмга қаранг).



3-расм. ҚБГ мавжуд беморларда операциядан кейинги 1-суткада ҚБГ ва АПБ

Қорин бўшлиғининг шошилиш жарроҳлик хасталиklarига учраган беморлар кенг қамровли клиник ва лаборатор текширувдан ўтказилиб, шошилиш операция қилинди. Барча ҳолатларда жарроҳлик даволаш стратегияси бир хил бўлиб, перитонитни тўхтатишга қаратилган жарроҳлик тадбирлардан иборат эди. Кўпгина одатий лаборатория кўрсаткичлари ташхис қўйиш ва ҚБГ даражасини аниқлашда аҳамиятли эмаслиги аниқланди. Кўпгина ҳолларда, улар 18,8% кузатилган ҚБГ синдромининг метаболик бузилиш даражасини, унинг III ва IV даражаларига мос келди. Шунини таъкидлаш керакки, ҚБГ синдроми билан оғриган беморларда бу гемоконцентрация, лейкоцитоз, жигар ферментларининг фаоллиги ортиши, гипопропротеинемия, метаболик ацидоз феномени билан бирга келди. Таққосланган гуруҳлардаги операциядан кейинги биринчи кундаги беморларнинг дастлабки ҳолати касалликнинг характери, оғирлиги ва ҚБГ даражаси билан таққосланди. Беморларнинг аҳволини баҳолаш операциядан кейинги даврни башорат қилишда ва оғирликни аниқлашга имкон берди. Клиник ва лаборатория параметрларининг табиатини ўрганиш, ҳаётини органлар ва тизимларнинг ҳолати касалликнинг кечишини ва қабул қилинган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.


Тўртинчи боб «**Қорин бўшлиғи ичи босимнинг қорин бўшлиғидаги ургент операциялардан кейинги даволаш натижаларига таъсирини қийсий баҳолаш**»га бағишланган. Деструктив панкреатит, ўткир ичак тутилиши, перитонит ва қисилган чурра билан оғриган беморларда операциядан кейинги даврни юрак қисқариш сони, қон босими, ташқи нафас олиш, буйрак-жигар таҳлиллари ва қорин ичи босими динамикаси билан баҳоланди.

Қорин бўшлиғи гипертензиясининг динамик хусусиятлари, лаборатория кўрсаткичларининг ўзгариши, хусусан, қорин бўшлиғи органларининг ўткир патологияси бўлган беморларнинг лейкоцитлар миқдори ва ЛИИ асосий патологияга, унинг оғирлигига ва давомийлигига боғлиқ бўлди.

Шундай қилиб, сиқилган чурра бўйича операция қилинган беморларнинг қонидаги лейкоцитлар сони биринчи суткада $7,4 \pm 0,66$ минг/мл, ЛИИ - $3,3 \pm 0,07$ ни ташкил этди. 3-суткага келиб, лейкоцитларнинг ўртача миқдори $8,4 \pm 0,82$ минг/мл, ЛИИ $4,1 \pm 0,11$ гача кўтарилди. Бешинчи суткага келиб, қон миқдори нормал ҳолатга кела бошлади ва операциядан кейинги 7-суткада нормал ҳолатга қайтиши кузатилди.

Ичак некрози ривожланган сиқилган чуррали беморларда эса ўзгача ҳолат кузатилди. Ушбу беморларга ичак резекцияси бажарилган, шу билан бирга, беморларда лейкоцитоз операциядан кейинги 3 кун давомида 25% ҳолларда кузатилган ва 5-кунга келиб 17%га камайган. 9-чи кунга келиб, бу кўрсаткичлар нормага яқинлашди.

Лейкоцитлар ва ЛИИ нинг ҚБГ га бевосита боғлиқлиги йўқ эди ($r=0.27$), ammo ҚБГ пасайиши билан беморларнинг аҳволи яхшиланди, тананинг интоксикацияси пасайиб, бу ўз навбатида лейкоформуланинг нормаллашишига олиб келди (4-расмга қаранг).




4-расм. ҚБГ боғлиқ холда қондаги лейкоцитлар сони ва ЛИИ ўзгариши

Соматик ҳолатни объектив баҳолаш учун вазиятнинг жиддийлигини ҳисобга олиб, биз АРАСНЕ II шкаласида беморларнинг ҳолатини динамик равишда ўзгаришини кузатдик.

Бундан ташқари, қорин бўшлиғи босимининг динамикаси ва беморларнинг аҳволи (балларда) киёсий баҳоси ушбу кўрсаткичлар ($r=0,87$, $p=0,012$) ўртасида ижобий алоқа мавжудлигини кўрсатди, яъни ҚБГ пасайгани сари беморларда АРАСНЕ II шкаласи бўйича ҳам оғирлик даражаси пасайган.

Назорат гуруҳидаги беморларнинг аксариятида мурожаат қилган вақтда ҚБГ I даражасига эга эди. Анъанавий комплекс интенсив терапия натижасида қорин бўшлиғи босимининг $9,3 \pm 2,7$ мм сим. уст. гача пасайиши қайд этилди. Аммо 3-5-кунлари ичаклар парези натижасида қорин бўшлиғидаги босим II-III даражага кўтарилди, бу эса АПБга салбий таъсир кўрсатди. ҚБГ пасайиши билан қорин бўшлиғидаги перфузион босим кўрсаткичлари яхшиланди, маълумотлар 5-расмда келтирилган.




5-расм. Қорин бўшлиғи ва абдоминал перфузион босимларнинг ўзгариши

Назорат гуруҳидаги беморларнинг операциядан кейинги даврдаги 22 (35,5%) нафарида ўзига хос бўлган асоратлар кузатилди: 15 (24,2%) беморда қорин бўшлиғидаги абсцесс ва анастомоз етишмовчилиги аниқланди. 7 беморда эса операциядан кейинги даврда пневмония ва экссудатив плеврит асоратлари кузатилди.

Операциядан кейинги дастлабки даврда назорат гуруҳида ўлим 13 (12,4%) беморда қайд этилди.

Бундан ташқари, беморларнинг III ва IV кичик гуруҳларида асоратлар ва ўлим кўрсаткичи энг кўп кузатилди.

Дастлабки кунларда асосий гуруҳнинг лаборатор кўрсаткич натижалари назорат гуруҳи лаборатор кўрсаткичларидан сезиларли даражада фарқ аниқланмади (6-расмга қаранг).




6-расм. Асосий гуруҳ беморларида лейкоцитлар миқдори ва ЛИИ

Шунингдек, асосий гуруҳнинг юрак-қон томир тизимидаги ўзгаришлари ҳам назорат гуруҳидан кескин фарқланмади ($p>0.05$). Шу билан бирга, 5 ва 7-кунларда юрак қисқаришлари сони ва ўртача артериал босим деярли нормал рақамларга яқинлашди.

ҚБГ ошиши билан ташқи нафас олиш функцияси ҳам ёмонлашди. Ташқи нафас олиш кўрсаткичлари фақат операциядан кейинги даврнинг 3-кунидан бошлаб яхшиланишни бошлади ($p>0.05$) ва қорин ички босимининг сезиларли пасайиши фақат операциядан кейинги 5-кунга тўғри келди ($p>0.05$). Ташқи нафас олиш функцияси параметрлари ва ҚБГ ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қиёсий баҳолашда ўртача салбий боғлиқлик аниқланди ($p=0.61$), ҚБГ пасайиши билан ташқи нафас олиш фаолиятлари яхшиланди.


ҚБГ ва АРАСНЕ II шкаласи бўйича беморларнинг аҳволи динамикасининг қиёсий таҳлилида ушбу кўрсаткичлар ($p=0.3$) умумий интоксикация пасайгани, ҚБГ даражаси пасайгани ва беморларнинг умумий аҳволи яхшиланганлигини кўрсатди. Бундан ташқари, асосий гуруҳнинг аҳволи оғирлиги даражаси таҳлили шуни кўрсатдики, перитонит ва панкреатит билан оғриган беморларда ҚБГнинг юқори кўрсаткичларида бўлади. Ушбу кўрсаткичлар фақат 3-кундан бошлаб пасайиши кузатилди ва 5-7-кунга келиб кўрсаткичлар нормаллашди.

ҚБГ беморлар аҳволининг кўрсаткичи АРАСНЕ II тизимида баҳоланганда, асосий гуруҳ беморлари кўрсаткичларида 3-кунда назорат гуруҳидаги беморлар кўрсаткичлардан сезиларли фарқ кузатилмади ($t=0.34$, $p=0.12$), аммо таққосланган гуруҳлар ўртасида 5-7-кунга келиб, сезиларли фарқ аниқланди (мос равишда $t=2.67$, $p=0.04$; $t=3.41$, $p=0.03$) (9-расм).



7-расм. АРАСНЕ II тизимида беморлар аҳволини қиёсий баҳолаш
 Шу билан бирга, АПБ нинг $76,6 \pm 3,9$ мм сим. уст. гача яхшиланиши қайд этилди. Ошқозон-ичак тизими микроциркуляциясининг яхшиланиши, ўпка гипертензияси ва диастолик юкнинг пасайиши, шунингдек юрак уриши ва қон босимининг ошиши билан тавсифланди.

АПБ ва ҚБГ динамикасининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ҚБГ пасайиши билан АПБ ортган, яъни тесқари кучли корреляция мавжуд бўлган ($r=0,78$, $p<0,05$), уларнинг маълумотлари 8-расмда келтирилган.



8-расм. Асосий гурух беморларида ҚБГ ва АПБ кўрсаткичлари

Асосий гурухдаги беморларда II даражадаги ҚБГ турғунлиги кузатилди, унинг даражаси 3-4 кун давомида максимал даражага кўтарилди ($20,5 \pm 4,5$ мм

сим. уст.). Шу билан бирга, АПБ даражаси пастлигича қолиб, операциядан кейинги 3-кунга келиб минимал кўрсаткичларга ($64,5 \pm 5,5$ мм сим. уст.) етди. Марказий гемодинамиканинг бекарорлиги, қон босимининг паст даражаси ва юрак уриш ҳажмининг пасайиши, ўпка гипертензияси ва диастолик юкланиш белгилари қайд этилди, бу эса беморларда АРАСНЕ II шкаласи бўйича оғирлик даражасининг ортиши билан кузатилди.

Кейинчалик, даволаниш фониди, 6-7 кун ичида 43 (61.43%) ҳолатларда ҚБГ нинг аста-секин регрессияси ва ўткир панкреатитнинг яхшиланиши кузатилди, 27 (38.57%) беморларда ҚБГ нинг ортиши ва АПБ даражаси камайиши кузатилди.

IV кичик гуруҳда ҚБГ перитонитни жарроҳлик йўли билан даволашда декомпрессия усулларидадан фойдаланиш ҚБГни статистик жиҳатдан сезиларли даражада $13,5 \pm 6,1$ мм сим. уст. гача пасайишига олиб келди ($r=0,84$, $p<0,05$). АПБ нинг $76,2 \pm 8,3$ мм сим. уст. гача ортиши ($r=0,81$, $p<0,05$) микроциркуляциянинг тикланишини тавсифлайди. ҚБГнинг 4-5 кун ичида $15,6 \pm 1,5$ мм сим. уст. га кўтарилиши лапаротом жароҳатининг тўлиқ ёпилиши билан боғлиқ эди. Операциядан кейинги даврда ҚБГ даражаси аста-секин пасайган ва АПБ яхшиланиши кузатилган, операциядан 10-12 кун ўтгач ҚБГ ва АПБ кўрсаткичлари нормал чегараларда бўлган. Клиник жиҳатдан, бу ҳолатнинг оғирлик даражаси бўйича балларнинг яхшиланиши, қорин бўшлиғида яллиғланиш жараёнининг орқага қайтиши, ичак ҳаракатининг тикланиши, марказий гемодинамика ва ички қон айланишининг яхшиланиши билан бирга кечди.

I кичик гуруҳдаги беморлар аҳволи оғирлигининг таҳлилида сезиларли фарқлар операциядан кейинги даврнинг фақат 5-кунида ($p < 0.05$) кузатилган.

Таққосланган гуруҳларни баҳолашда ҚБГни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса панкреатит ва перитонит билан оғриган беморларнинг аҳволини яхшилашга олиб келди.

Кузатув вақтига қараб таққослаш гуруҳларидаги ҚБГ динамикасини қиёсий ўрганиш операциядан кейинги 3-куни таққосланган гуруҳларда сезиларли фарқ йўқлигини кўрсатди ($15,3 \pm 0,49$ ва $17,4 \pm 1,03$; $t=1,87$, $p=0,06$), (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

ҚБГ операциядан кейинги даврдаги кўрсаткичлари, ($M \pm m$)

Гуруҳлар	1 кун	3 кун	5 кун	7 кун
Асосий	$14,1 \pm 0,87$	$15,3 \pm 0,49$	$11,6 \pm 0,78$	$7,8 \pm 0,33$
Назорат	$15,2 \pm 1,12$	$17,4 \pm 1,03$	$15,8 \pm 0,98$	$11,6 \pm 0,76$
Ишончлилик кўрсаткичи	$t=0,78$, $p=0,44$	$t=1,87$, $p=0,06$	$t=3,38$, $p=0,001$	$t=4,69$, $p<0,01$

Таққослаш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири АПБ ҳисобланади. Перфузион босим ичакдаги қон айланишининг интенсивлигига ва ундаги метаболизмга бевосита таъсир қилади. Шу билан бирга, таққосланган гуруҳлардаги дастлабки кўрсаткичлар унчалик фарқ қилмади (78,9±2,76 ва 76,2±3,11; t=0,65, p=0,52) ва операциядан кейинги учинчи кунига келиб бу кўрсаткичларнинг яхшиланиши кузатилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

АПБ операциядан кейинги кўрсаткичлари

Гуруҳлар	1 сутка (M±m)	3 сутка (M±m)	5 сутка (M±m)	7 сутка (M±m)
Асосий	78,9±2,76	83,5±3,21	92,1±3,45	98,5±2,98
Назорат	76,2±3,11	74,2±4,31	82,5±2,43	85,3±3,67
Ишончлилиқ даражаси	t=0,65, p=0,52	t=1,74, p=0,08	t=2,25, p=0,03	t=2,81, p=0,006

Шундай қилиб, қорин бўшлиғи гипертензияси ва абдоминал перфузион босим даражасининг мониторинги натижалари қорин бўшлиғи гипертензиясини пасайтиришнинг комплекс усуллари, ошқозон-ичак тизими фаолиятини тиклашга ва ичак етишмовчилигини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатди. Жарроҳлик даволашнинг бевосита натижаларини қиёсий таҳлил қилиш учун операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатлари ҳам ўрганилди.

Бундан ташқари, операциядан кейинги даврда асосий гуруҳдаги беморларда 15 (24,2%) ҳолатда асоратлар кузатилди.

Ушбу ҳолатда ўлим асосий гуруҳда 6 (5,5%) ва назорат гуруҳида 13 (12,4%) беморда қайд қилинди. Асосий кўрсаткичлар бўйича таққосланадиган, аммо қорин бўшлиғи гипертензияси мавжудлиги билан фарқ қиладиган гуруҳлардаги ўлим кўрсаткичидаги сезиларли фарқларга ($\chi^2=3.65$, p=0.03) қараб хулоса қилиш мумкинки, қорин бўшлиғи гипертензияси даволаш натижаларига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади ва қорин бўшлиғи гипертензиясини пасайтиришда биз қўллаган комплекс усулларнинг қанчалик самарадорлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги беморларнинг юрак-қон томир функцияси кўрсаткичлари назорат гуруҳига қараганда яхшироқ (t=2.41, p=0.02). Ўтказилган кенг қамровли клиник ва инструментал тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, қорин бўшлиғи шошилиш жарроҳлик патологияси бўлган беморлар қорин бўшлиғи ва қорин бўшлиғидан ташқари кўп аъзоли етишмовчилик ривожланадиган беморлар тоифасига киради. Бундай беморлар жарроҳлик аралашувлар, интенсив терапия бўлимида узоқ муддатли интенсив терапия ва кейинчалик жарроҳлик бўлимида узоқ муддатли даволаниш ҳамда кузатувга мухтож. Шошилиш жарроҳлик

касалликлари ва қорин бўшлиғининг шикастланиши бўлган беморларда юқори даражадаги қорин бўшлиғи гипертензиясининг тез ўсиши ва узок муддатли сакланиши декомпрессив лапаротомияни талаб қилади ва унинг вазифаларидан бири қорин бўшлиғи гипертензияси даражасини пасайтириш ва қорин бўшлиғи гипертензия синдроми ривожланишининг олдини олиш ҳисобланади. Давом этаётган перитонитнинг олдини олиш ва қорин бўшлиғи ичидаги босимни пасайтириши мақсадида 21 беморда дастурланган қайта операция бажарилди: тозаловчи релапаротомия (n=11), дастурий тозаловчи лапароскопия (n=7) ва талабга кўра релапаротомия (n=3). Қорин бўшлиғи шошилишч патологияси бўлган беморларда релапаротомия ва дастурланган лапароскопия қорин бўшлиғи гипертензияси ошишининг олдини олиш, қорин бўшлиғидан чиқадиган суюқликнинг табиати устидан назоратни таъминлаш, қорин бўшлиғининг баъзи жойларини тозалаш ва қорин олд девори таркибидаги инфекцияни ривожланишидан ҳимоя қилиш учун жуда муҳимдир. Тарқалган йирингли перитонит билан оғриган беморларни муваффақиятли даволашнинг асосий шартларидан бири интенсив терапевтик чора-тадбирлар ёрдамида қорин бўшлиғини тозаловчи қайта операцияси бўлди. Этапли жарроҳлик амалиёти етакчи аҳамиятга эга бўлди, амалиёт давомида перитонит манбаи йўқ қилинди ва қорин бўшлиғи тозаланди. Аммо, ҳатто бир марталик бажарилган энг пухта тозалаш амалиёти ҳам даволанишга олиб келмайди. Операциядан кейинги даврда перитонит билан яллиғланишни қўллаб-қувватловчи бактериялар ва тўқима детрити бўлган токсик экссудат ҳосил бўлади. Ўрнатилган найча дренажлари тезда фибрин билан тўлади ва самарасиз бўлиб қолади, бу эса перитонитни даволашда очик усулини - дастурлаштирилган тозаловчи релапаротомиянинг ўрни ҳам муҳимлигини кўрсатади. Айтиш керакки, қорин бўшлиғини декомпрессия қилиш қарори ҚБГ (III-IV даража) ўлчаш натижалари асосида қабул қилинди. Ушбу ҳолат 97,2% ҳолларда нафас олиш етишмовчилиги ва 82,5% ҳолларда юрак-қон томир етишмовчилиги билан бирга кузатилди.

Биз ишлаб чиққан ташхислаш ва даволашнинг янги усулларидадан фойдаланган ҳолда қорин бўшлиғи шошилишч операцияларидан сўнг қорин бўшлиғи гипертензияси билан оғриган беморларда ўтказилган тадқиқот натижаларининг қиёсий сифатли ва миқдорий таҳлили тўлиқ, ишончли ва замонавий далилларга асосланган тиббиёт талабларига жавоб берадиган янги ташхисий-даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш учун асосий сабаб бўлди.

Тадқиқот натижасида биз қорин бўшлиғининг шошилишч жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқдик, бу эса қорин бўшлиғи гипертензияси ва абдоминал перфузион босим кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда операциядан олдинги вақтни ва касалхонадаги ётоқ кунларни қисқартириш, операциядан кейинги асоратларни ва ўлим кўрсаткичларини камайитиришга имкон беради (9-расм).



9-расм. Ташхисий - даволаш алгоритми

ХУЛОСА

«Қорин бўшлиғида ўтказилган шошилич жаррохлик амалиётидан кейин интраабдоминал гипертензиянинг аҳамияти» мавзусида бажарилган тадқиқот асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Қорин бўшлиғи аъзоларига шошилич жаррохлик амалиётидан сўнг қорин бўшлиғи гипертензиясининг ҳаётий органлар ва тизимларининг функцияларига таъсири нафас олиш ҳажмининг (нафас харакати ва ўпка тириклик сифими) пасайиши, гемодинамик бузилиш (юрак ҳажмини пасайиши, юрак уриши ва қон босими ошиши), беморларнинг умумий аҳволи ёмонлашиши (APACHE II), ичакда қон айланишининг бузилиши (абдоминал перфузион босим камайиши) билан тавсифланди.

2. Қорин бўшлиғидаги шошилич операциялардан кейинги қорин бўшлиғи гипертензиясини камайтирадиган усуллардан: ошқозон-ичак тизимини зонд орқали лаважлаш ва гастроэнтеросорбция, ошқозон-ичак трактининг мотор-эвакуация функциясини "стимуляция" қилиш, эпидурал анальгезия, антигипоксантларни қўллаш, шунингдек, дастурий релапаротомия ва релапароскопиялардан фойдаланиш ташқи нафас ва

юрак фаолиятини 25-30% га ижобий тарафга ўзгартиради, АРАСНЕ II бўйича беморларнинг умумий аҳволини 1,7 мартага ва АПБ ни 30% га яхшилайти, операциядан кейинги ўлим ва асоратларни мос равишда 20% ва 35% га камайтиради.

3. Қорин бўшлиғи гипертензияси даражасини аниқлаш вақти патологиянинг табиати ва қорин ички босими даражасига боғлиқ. Қисилган вентрал чурра операциясидан кейин ривожланган қорин бўшлиғи босими ортишининг ва I-даражали қорин бўшлиғи гипертензиясида қорин бўшлиғи босимини кунига бир марта ўлчаш лозим. Ўткир ичак тутилиши, ўткир панкреатит операцияларидан кейинги ривожланган қорин бўшлиғи гипертензияси ва II-III даражадаги қорин бўшлиғи гипертензиясида босим кунига 2 марта ўлчанади. Тарқалган перитонитли беморларда ва қорин бўшлиғи гипертензиясининг IV даражасида ҳар 4 соат давомида қорин бўшлиғи босими ўлчаниши зарур.

4. Қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказилган шошилиш операциялардан кейин беморларда ишлаб чиқилган алгоритмнинг қўлланилиши қорин бўшлиғи гипертензиясининг ошганлигини, уни прогнозлашни, кечишини ва ўз вақтида олдини олишни аниқлашга имкон беради, бу эса ҳаётий аъзолар ва тизимларнинг ишини яхшилашга олиб келади, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим фоизини кескин камайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНОМ
ЦЕНТРЕ ЭКСТРЕННОЙ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР ЭКСТРЕННОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ**

ДЖАББАРОВ ЖАМШИД ИСМОИЛОВИЧ

**РОЛЬ ИНТРААБДОМИНАЛЬНОЙ ГИПЕРТЕНЗИИ У БОЛЬНЫХ
ПОСЛЕ ЭКСТРЕННЫХ ОПЕРАТИВНЫХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ НА
ОРГАНАХ БРЮШНОЙ ПОЛОСТИ**

14.00.40 – Экстренная медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.4.PhD/Tib733.

Диссертация выполнена в Республиканском научном центре экстренной медицинской помощи.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский и русский, также английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.emerg-centre.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Алтисев Базарбай Курбанович
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Хакимов Мурад Шавкатович
доктор медицинских наук, профессор
Ризаев Камал Саидакбарович
доктор медицинских наук


Ведущая организация: Самаркандский Государственный Медицинский институт


